

АҲМАД ҲАСАН

**ИККИНЧИ
ДОВОН**

Қарши
«Насаф» нашриёти
2005


84(52) 6-5 Ўзб. бар. 2020н ёти.
Шеърлар

**Шеър - кўнгил маъвоси. У ҳад, чегара
 билмайди. Аҳмад Ҳасановнинг мазкур
 «Иккинчи давон» китобида инсон ўй-ю ха-
 ёллари, идроки, ботиний кечинмалари
 содда ва равон шеърий мисраларда те-
 ран мушоҳада этилган.**

1032297
0

X 4702620202-60 60-2005 © А.Ҳасанов - 2005 й.
376 (10) 2005

ISBN 5-7323-0506-5



ҚУЁШ

Уфқларнинг четларига
Лаб бўёгин суртиб қуёш,
Ҳамма билан хайрлашиб,
Чоҳга шўнғир йўртиб қуёш.
Ер соғинар, эл соғинар
Чиқишини эртаси кун.
Ҳа, ўшандада еру замин
Қайта бошдан яшнар бутун.
Шу барака топкур қуёш
Тили олов, жисми олов.
Кўк аршида порлаб турар,
То кечгача қизил ялов.
Нурларидан найза ясаб,
Деразамни чертар тонгда.
Ўзбекистон қуёшли юрт,
Солланади у бир ёнда.
Деҳқонларга содик дўстдир,
Қуёшбобо-саҳий бобом.
Кулиб-кулиб боққанлари,
Шоирларга завқу илҳом.

ЙЎЛЛАР ВА ЎЙЛАР

Мақсад довонига етишмоқ бўлиб,
Йўлларда кезасан, нотинч, сарсари.
Киприкка илинган уйқуни қувиб,
Кетасан олисга нари ва нари...
Юзлаб тақдирларни, юзлаб баҳтларни,
Қанча гуссаларни бағрига жойлаб.
Инсон кечмишидан узиб вактларни
Поезд чопаверар йиллаб ва ойлаб.
Сенинг урвоқина қисматинг шунда,
Ноҳақлик дардига излайсан даво.
Зулмга жазо бер, сарвари олам,
Илло, яхшиларга кўрмагин раво!
Йўллар хаёл учун улкан бир фазо,
Бурчак-бурчакларга етар нигоҳи.
Унинг тор кўчаси, бекатлари кўп,
Сезмай ҳам қоласан чап берар гоҳи.
Бир нима йўқотсанг-топишинг мумкин,
Йўқолган баҳтингни топишинг душвор.
Қайдадир йилт этган шуъла кўринди,
Балки шу қувончdir, омаддир бисёр?
Хей, дўстим хаёлга кўп ҳам эрк берма,
Сарсону саргардон айлар оқибат.

Шодмон дамларингни олсанг хотирга,
Чарчаган руҳингга у дармон фақат.
Сен ахир ҳаётда хор ҳам эмассан,
Тоғдай бардошини қолдирган отанг.
Сенга мадад берар боболар руҳи,
Ҳаёт ахир кураш...қила билгин жанг.
Бу дунё шундайки, барчага бирдай,
Ёмонга хос бир жой ато этмаган.
Яхшининг барига осилиб яшар,
Боболар ўшасиз яшаб ўтмаган.
Мунофиқ кимсалар борки, чекингин,
Улар юрган йўлнинг тўзони мўлдир.
Оқил одамларнинг хислати улуғ,
Қўшилиб яшагин, кулгин ва кулдир!
Одамнинг бағрида ўт бўлгани соз,
Қалби қайноқликка нима ҳам етсин.
Ният шул, ҳар кимнинг баҳти бут бўлсин,
Инсонларча яшаб, инсондай ўтсин.
Борлик-хаёлларга очик дарвоза,
Нақадар мароқли ҳаяжонлари.
Кўнглингни тоғдайин кўтариб турар
Юрак армон билан тўлган онлари,
Сен ўзингни севсанг бошқаларга ҳам
Бир чимдим ишқингдан берсанг не бўпти?
Ўзингни ўтга ур, сувга ур, аммо
Ҳечам совимасин юрагинг тафти.

Сен йўлда бўлганда, соғинч ҳислари
Дўстларинг қалбига сололса титроқ
Шеър қилиб ёзсинлар номингни дилга,
Хотира бешиги - кўксинг оқ варақ.
Қайтгач, шакарлабнинг руҳсори узра,
Ейилган соchlарга юзингни бёссанг!
Чечаклар иғори келса димоққа,
Шунда дарёлардай ҳайқириб тошсанг
Ҳумоюн бахтингга шукроналар қил,
Қуллуқ қил муҳтарам рўйи заминга.
Қўилган сағоборинг кетасиз бўлжимаг,
Тангридан сўрагин қолган каминса.

НИСБАТ

Тошюрак, тошкүнгил, сўзинг тош, дея
Тошнинг қаттиқлиги берилар нисбат.
Ростакам ишониб бўларми бунга?
Етарли туюлмас азалий исбот.

...Мана, баҳор келди тоғнинг бошида
Бир тул гул ўсибди тошларни ёриб.
Табиат шунчалар нозланиб боқар,
Чўққига чиққаннинг ёзар хуморин.



САРҲИСОБ

Мен юрган йўлларларда чангу ғубор йўқ,
Мен босган тупроқнинг рухсори гул-гул.
Дўстга садоқатдан бошқа ҳунар йўқ,
Ҳазин нола чекар кўксимда булбул.

Ўйимда-элимнинг орзу-ҳаваси,
Элим, айтавергин, дардингни олай.
Тўю томошангдан дилдан қувонай,
Димоғимга келсин гулзорлар иси.

Бизда яшаш эркин, муҳаббат эркин,
Севилган юракка муҳаббат нақшдир.
Висол ҳижронлари кўп ҳузурбахшдир,
Севги-ширин азоб, шиддатли тўлқин.

Севги-севги эмас, юрак парчаси!
Ҳар кимга бу туйғу мушарраф эмас.
Гўзалим, ишқингни ичиб бўлай маст,
Абадий яшнасин хаёт арчаси.

Улғайиб топганим-ишқим ва меҳрим,
Рұҳимда таҳ-батаҳ чечаклар ўсар.
Ҳаёт! Дудоғингдан ушат бир бўса,
Унда мужассамдир яшамоқ сехри!

Тириклик бардавом билмайсан азал
Каерда вергули, қайда нүктаси.
Шодлик ҳам, ҳасрат ҳам ўтар галма-гал,
Донолик аталур ишнинг пухтаси.

Этагин тутқазмас югурек умр,
Изидан мунғайиб қараб қоламан.
Ҳаёт сарҳисобин тугатиб бир-бир,
Ютқазсам беадад ўйга толаман.

СИЗГА ЁҚМАЙМАН

Мен сизнинг кўзингиз билан ҳаётга боқмайман,
Мен сиз каби қора кўзойнак тақмайман.
Мен ўз-ўзимни кашф этишга маҳкумман,
Алқисса мен сизга ёқмайман.

ХАЁЛПАРАСТЛИК

Бирдан портлаб кетса юрагим,
Шаррос түкилсайди миямдагилар...
Етти қат осмонга чиқкан бўлардим
Майин жилмайсалар теграмдагилар.

Ёмонликка тупуриб яшайман,
Атиргулдек қулф уриб яшайман.



ИККИМИЗ

Турмуш деб аталган кенг сайҳонликда,
Бизни қовуштириди тақдирнинг ўзи.
Оллоҳ қарамига саждалар минг бор,
Камолу эҳтиром ила биз рози.

Муқаддас остона бизга мунтазир,
Мехнат-ла яралди кунлик ризқимиз.
Майли, боболардан тилла қолмасин,
Соф-омон бўлайлик энди иккимиз.

Садоқат камарин белларга боғлаб,
Умр кечирамиз ҳаммага ўхшаб.
Хаётнинг изгирин, қор-ёмғирида,
Дилдираб турмаймиз юпунсиз қақшаб..

Елкага ортилган юқдан чўчимай,
Олға интиламиз манзиллар оша.
Бахт излаган бахтга етар, деганлар.
Бахтнинг неъматлари шириндир роса.

Армонлар юксалар дилларимизда,
Фаромуш хаёллар толдирад баъзан.
Даҳшатли туш кўриб, тонгда уйғониб,
Кўнглимиз қолади хотиралардан.

Рўзгор деб аталмиш улуғ кўрғоннинг,
Тўрт тарафи бўлса ғоят мустаҳкам.
Яхшининг пойига меҳр пояндоз,
Назар сололмасин деймиз шумқадам.

Ўзимиздан бўлак суюнчиқ йўқдир,
Елкамизни тутиб бир-биримизга.
Ташвишлар мунғайиб қолса орқада,
Тоғлар бас келмасин ғуруримизга.

Ҳар ким экканини ўраг деганлар,
Илоҳо, серхосил бўлсин мевамиз.
Айб қидирманг дўстлар, бизда ҳам айб бор,
Айбимиз: яшашни беҳад севамиз!



СИЗГА НАСИБ ЭТСИН

Бағрим-о! Шу кечә сим-сим әзилдим,
Йиғидан күнглимда ваҳима ўсар.
Зеро, аёл қалби нозикдир қылдан,
Йиғидан юракка аламлар чўкар.

Шикаста ҳолимни этяпман зикр,
Қийноқлар зарбини ичимга ютиб.
Үртар хотирамни занжирбанд фикр,
Гоҳ ғалаён қўзғар бағримни титиб.

Ҳаққа арз қилмоққа ожизман, ожиз!
Қисматга ўқилди бераҳм ҳукм.
Хуноб қарашимда қоронғу дунё,
Юпанчим бормиди, юпанч берар ким?!

Сирли ғавғолар-ла куним ўтаркан,
Билмайман дўстим ким? Душманимни ҳам.
Билмайман, олдинда нелар кутаркан?
Борму ғамгузорим тутдай тўкилсам?

Ўйлар келаверар, бошвоқсиз ўйлар,
Бош мия сандиги ўқинчга тўла.
Арслондай ўқирсам кетар қайғулар,
Улардан кутулсам дейман бир йўла.

Мен ҳам болалиқдан орзуманд әдим
Бахтимни топмоққа, бахтга етмоққа.
Отам дуосига аржуманд әдим,
Давр кечмишида мисоли соққа.

Кутиб яшадим-ку сабр-бардошли,
Оз берганин күп деб күзимга сурдим.
Шу тахлит ўтдилар куним қүёшли,
Фироққа дуч келсам, мардона турдим.

Ҳамду сано бўлсин ҳазон фаслимга!
Соч оқи тириклик гулзори эрур.
Қай куч қайтараркан мени аслимга,
Қай куч берар экан шууримга нур!

Гунгу кар бўлдим-ку тақдир олдида,
Бора-бора сўнди мендаги журъат.
Ёшлиқда ўт-олов бўлиб ёндимда,
Охири хор бўлди афтода сийрат.

«Менинг кимлигимни эл билса бўлди»
Тилимда оятдир шоир каломи.
Ғазабнок тажовуз руҳимда сўлди,
Завқимга завқ қўшди яаш илҳоми.

Афсус, забт этмаган довонларим кўп,
Қояга тирмашган қўлларим қонли.
Ранглар ҳам танладим ҳаётимга зеб,
Хокисор бандаман собит имонли.

Бир нозик ҳис билан яшаб ўтарман,
Ахир шу эмасми олий эътиқод?
Умр йўлларимни тавоф этарман,
Сизга насиб этсин мен севган ҳаёт!



НОТАНИШ ДАХО


Биз сени ҳозирча таниёлмадик,
Танишга ҳам керакмас ҳожат.
Балки Афлотунсан, бечорагинам,
Тенги йўқ аллома-сен учун нисбат?

Аммо, танимоққа келур вақт-соат,
Умр йўлларида бордир интиҳо.
Ўшанда мақтовлар ёғиб бошингда,
«Эсиз ўтди- дерлар,-нотаниш даҳо».



ХУДБИНЛИК

Кўп гаплашдик,
Хўп гаплашдик.
Дунёнинг келди- кетдиси,
Хатарларидан.
Фойда қаердаю, зарап нимада?
Омад, омадсизлик - бари-баридан.
Кимгадир оғир ботди
Фўртоқи гапим.
Уни мен камситдим,
Тегмади нафим.
Тўғрисини айтсам: юз бурди,
Эгрисини айтсам: бетга югурди.
Энди ёқа йиртар худбинлик,
Чўртон бўлиб ютар худбинлик.



РИЗҚИНГНИ КУТГИН

Бир қараб боқсангиз-осмоним хира,
Бир қараб боқсангиз-күзимда жола.
Баъзан йигитликка қайтгим келади,
Гоҳида дономан, гоҳо ёш бола.

Қай фикрда бўлманг, менман, ўзимман,
Бошқача бўлишга иқорим йўқдир.
Кояман, тўзимман ва сабр-бардош,
Вужудим-аланга, орзуим чўғдир.

Куч олдим онамнинг тўрт мучасидан,
Шу бекик дунёда етдим вояга.
Остона эшитди илк бор сасимни,
Танимни топширдим ватан-дояга.

Ҳар ким ўз қўшигин айтиб ўтаркан,
Мазмунига жойлаб шукроналикни.
Улғайгач, англадим мен ҳам қарзимни,
Туғилган элимга парвоналикни.

Кумуш соч кексалик сўрап ўрнини:
Ёшликка қайтмоқни энди унуггин.
Бир ҳикмат қулоғим остида янграп:
«Тонгда саболардан ризқингни кутгин».

ЎЗИНИ БИЛИШ

Кўрдинг,
У сени олдинроқ чалди.
Юз тубан йиқилдинг
Балчиқقا.
Ақлингни киритиб қўйганлари
Яхши бўлди.
Энди адашма!
Кутма иккинчи бор зарбани.
Йўлингга ғов бўлса кимда-ким,
Чил бер,
Мункиллат!
Ана шунаقا ўзини билиш!



КЕТГИМ КЕЛАР

Йўл йўқ...

Эшиклар тамбаланган.

Сохир фаришталар-соқчи.

Асаблар-таранг тортилган ип,

Оҳ, узилмас ҳаёт риштаси.

Кетгим келар узокларга бир ўзим.

Паст-баланд гаплардан қочиб.

Кўкракка совуқ бир нимарсанни сепиб,

Кетгим келар....

На илож,

Туткунман

Турмуш деган

Бешафқат бир сайёд қўлида.

Шундай пайтда ҳавасим келар

Илон тили остига яшириниб,

Жаннатга йўл олган лаинга.



НУҚТАИ НАЗАР

У ўзича фалсафа тўқир,
Ҳар нарсага нуқтаи назар.
Қариндошни тан олмас сира,
Ҳатто ака, сингилдан безор.
Бир қобиққа биқиниб олган,
Қобигидан чиқариш мушкул.
Ёқимтойдир киши кўзига,
Йўқ, ундеймас, аслида тушкун!
Хотинини фаришта санаб,
Унга сажда қиласр бечора.
Битта унда ҳаракат йўли:
Хотин чизиб берган доира.

Қарайман,
Қарайсан,
Ёниб турган кўзларингда.
Истеҳзоли табассум.
Афсус, фолчи эмасман,
Ичингдаги дардингни билиб олишга.

СИР

Бош миянинг кенгликларида
Хатарли юк бўлиб яшайди.
Юракдаги шу қора кўлка
Ўзни ошкор қилишга шайдир.

Сирни ичга ютиш ҳам мумкин,
Гар иғвонинг уяси бўлса.
Қилиш мумкин уни шармисор,
Ҳақсизликнинг дояси бўлса.

Сир-сирлиқдан ор қилган маҳал,
Ногоҳ тилнинг бир чеккасидан
Чиқиб кетар. Шунда одамнинг
Шайтон тушар чап елкасидан.



ТАРИХ КҮЭГУСИ

Боши каллакланган, оёқ куллукли,
Оғзининг ўлчови бураб қўйилган.
Овози бўғилган, тилида учук,
Имон юзтубану, виждан сўйилган.

Манқуртлик домига тортган у замон,
Айтадиган сўзлар оғизда қолди.
Отани боладан айирган давр,
Не-не балоларни бошларга солди.

Юртни севгандарни босмачи атаб,
Хоин деб отдилар пешонасидан.
Совуқ ўлкаларда жон берди мардлар,
Ажал лагерининг остонасида.

Ёвуз шумликларни хаспўшлаб шунда,
Миннатдор бўл!-дея одамни хўрлаб.
Ўзлиги бир ёнда, жисми бир ёнда,
Юракни эздилар қалбни таҳқирлаб.

Қўшиқ деб кулдилар фарёд қилса эл,
Орзу эшиклари ёпилди тақ-тақ.
Тухматчи саналди ҳақсевар инсон,
Ажрим қилмадилар ким ҳақ, ким ноҳақ.

Не-не курашчилар чиқди майдонга,
Вояга етсин деб мағзи тўқ авлод.
Тўғри сўз ҳаётга дўйстлар, ярашиқ,
Керақдир одамга жасорат, сабот.

Оталар биз учун ариқ қаздилар,
Аммо қултум сувга ўтдилар ташна.
Жасорат мадхини қон-ла ёздилар,
Шу боис юртимиз кетди-ку яшнаб.

Тарих кўзгусида кўринур яққол,
Ўзбек диёрининг сарв қомати.
Дунё китобининг дебочасида,
Шухратга бурканди муқаддас оти.

ҚҰЙИБ БЕРИНГ

Күкрагимдан чиқарай қисилган ҳаволарим,
Жүшдириб юборайин жүшмаган наволарим,
Үргулай, шеъриятим- дардимга даволарим.
Юрагимни бүшатай,
Иссиқ нондай ушатай.

Күксим узра ёпіғлиқ, ёпіғлиқ ҳасратларим,
Учишга шай турибди ёзилган қанотларим,
Байтулахзан¹ домидан кутулмок шиддатларим.
Юрагимни бүшатай,
Иссиқ нондай ушатай.

Орзуларим ҳаваси ич-ичимни кемирар,
Бир парча эт күксимда қон-қонимни симирад,
Юрагим құрғонини ғам-ғуссалар емирад.
Юрагимни бүшатай,
Иссиқ нондай ушатай.

Турмушнинг синовлари, қор-ёмғир, бўронлари,
Ҳамда инжиқликлари, шовқину суронлари,
Хаёлимни толдирап дикқинафас онлари.
Юрагимни бүшатай,
Иссиқ нондай ушатай.

Озурда күнгилгинам хўрсиниққа тўладир,
Хушхабардан дил мулки май тўла пиёладир,
Шилқим хотиралар-чи? У сиз билан қоладир.
Юрагимни бүшатай,
Иссиқ нондай ушатай.

¹ Байтулахзан - ғам уйи.

Муштдеккина юракда қанча жаҳон ташвиши,
Ризқи-рўзини тилар инсофи бор ҳар киши,
Бефойда кетмасин-да ҳаёт учун кураши,
Юрагимни бўшатай,
Иссиқ нондай ушатай.

Кўйиб беринг....

ТЎРТЛИКЛАР

Эй, сен үйимдаги қайғудошим,
Эй, сен дил равшанлиги- қуёшим.
Роҳат- фароғатим, лаззатли ошим,
Умримга умр қўш! Сен- яша!

Сен бунчалик фаттон кўзни қайдан олдинг,
Нигоҳида тош ҳам эриб мум бўлади.
Шуъламисан ё нурлардан йўғрилган,
Қарашларим шу шуълада чўмилади.

Сен-буюклик китобининг бир бобисан,
Сен-кўнгилнинг чолғуси-ю, рубобисан.
Ўзинг бахтсан, бахтга муҳр босгувчисан,
Мехринг иссиқ, булоқдайин тошгувчисан.

АИДИША

«Мен шундай одамман шарафга лойик»,
Дея тан олмайсан ўзлигингни.
Сабаб қидирасан ўтмишинг кавлаб,
Ўтказмоқчи бўлиб Сир сўзлигингни.

Ёпишмаган сифатларни қўшиб ҳам чатиб,
Търиф-тавсифингни сўзлайсан кўпирин.
Киммаган ишларинги жасурлик саню,
Далиллар топасан ёлғонни сулуриб.

Хеч кимни ўзингга тенгситмай, чунон
Ушлаб тургандайин арзу самони.
Башар фарзандига унутмоқ увол
Одам Ато билан Момо Ҳавони.

Кимлигингни ё яшир, ё яширма,
Аслида-чи, сен ўша- ўша...
Мактандоқнинг «бўртиқ» жойларини кесишга
Зарур бўлар ўткирроқ теша.

МАСЛАҲАТ

Танқид қилинг,
Пайини қирқинг
Мараз қиёфаларни,
Мараз айшу ишратни.
Ичида аждахоси бор кимсани,
Тили бошқа,
Дили бошқаларни.
Уммоннинг суви,
Ернинг сатҳини,
Битта ҳўқиз,
Ўнта қўйнинг гўштини
Бир лаҳзада дамига тортиб,
Ошқозон чифириғидан ўтказиб,
Аппон-саппон қилувчиларни.
Аммо хушёрлик лозим
Билиб қолмасликлари учун «шифо»сини.
Пахтага ўраб,
Ичига тош солиб,
Уринг қаншарига!



ҚИРГОҚ

Сиз кўзимга олис нуқта бўлиб кўринасиз,
Гоҳо жазирама Саҳрои Кабир.
Сизни туманда кетаётган одамга ўхшатаман,
Сиз мураккаб формула- Ал-жабр.
Аслида-чи, икковимизнинг ўртамиизда,
Кўзга кўринмас бир ариқча бор.
Аммо туби жуда чукур, ҳайратли,
Одамда интилиш бўлмаса бекор.
Афсусдаман,
Ҳар биримиз
Ўз қобиғимизга ўралиб қолмасак дейман.
Сиз у қирғоқда,
Мен бу қирғоқда
Аламлар доғида куймасак дейман.

ДАРД

Бу тўлишган аёлнинг инграшими ё ?
Ё туюскун баданда кўз ёрган чипқон?
Ё Аллоҳнинг бандасини севинтириши?
Ёхуд кон қазувчи дуч келган ўпқон?

Ё навжувон аёлнинг дунёни тарқ этиши?
Ё суюкли хотиннинг кўз ёш тўкиб ўтиши?
Ё одамзод кўксига гуллаётган қисмат бу,
Тарихларда битилган башарият ўтмиши.

Қатралар

КИТОБ

Олисдаги мафтункор қасрға менгзайман сени. Ҳаёт донишмандлыги теран денгизга қиёс. Китоб ўқиётган киши денгизга чўкаётган инсон. Ундан-да бахтли одам бўлмаса керак.

ЁСТИҚ

Феълинг жуда тор. Мехрибонлигинг икки кишига етади, холос. Учинчини ёқтирумайсан.

ДАРВОЗАНГНИ ҚЎРИҚЛА

Эй, сен, эси паст одам! Дарвозангни қўриқла. Нохосдан «тўп» уриб қолмасин бошқалар.



МУНДАРИЖА

Күёш.....	3
Йўллар ва ўйлар.....	4
Нисбат.....	7
Сарҳисоб.....	8
Сизга ёқмайман.....	9
Хаёлпарастлик.....	10
Иккимиз.....	11
Сизга насиб этсин.....	13
Нотаниш даҳо.....	16
Худбинлик.....	17
Ризқингни кутгин.....	18
Ўзини билиш.....	19
Кетгим келар.....	20
Нуқтаи назар.....	21
Қарайман.....	21
Сир.....	22
Тарих кўзгуси.....	23
Кўйиб беринг.....	25
Тўртликлар.....	26
Андиша.....	27
Маслаҳат.....	28
Қирғоқ.....	29
Дард.....	29
Қатралар.....	30

АДАБИЙ-БАДИЙ НАШР

ҲАСАНОВ АҲМАД

ИККИНЧИ ДОВОН

Шеърлар

Ўзбек тилида

Муҳаррир: Ш. Пирматова.
Техник муҳаррир: Ч. Раҳмонов.
Мусахҳих: Ш. Пирматова.

ИБ №0892

Теришга 25.10. 2005 йилда берилди. Босишига 1.11. 2005
йилда рухсат этилди. Бичими $84 \times 108 \frac{1}{32}$. Шартли босма
табоби 1,68. Шартли бўёқ-оттиск 1,81. Нашр босма табоби
0,67. 200 нусхада. 95-2005 -шартнома/ ў буюртма
Эркин нарҳда

“Насаф” нашриёти, 730018, Карши шаҳри,
Мустақиллик шоҳ кӯчаси, 22-үй.

Қашқадарё вилоят Матбуот ва ахборот бошқармаси
хуэуридаги “Матбаа” цехида чоп этилди.

730018, Карши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кӯчаси-22-үй.